

Тангри оти билан сўзим бошладим,

Яратган, яшнатган, багри кенг, кадим.

Оламга бахш этиб тенгсиз чиройни,

Яратди бир йўла офтобу ойни.

Фалакни яратди ўн саккиз минг тарх,

Фалакка басма-бас айланарди чарх.

Яшил кўк яратди юлдузи билан,

Кора тунни ёруг кундузи билан.

Кўкдаги юлдузлар безак нечаси,

Нечаси рахнамо, сайёр канчаси.

Нечаси халойик учун бегумон,

Йўлин йўкотганга рахнамо, сарбон.

Кай бири сарбаланд, бири куйирок,

Бири хира бўлса, кай бири чакнок.

Булар энг устида Секантир - Зухал,

Икки йил, саккиз ой бурж ичра махал.

Сўнг Ўнгай - Муштарий кўкдан жой олар,

Бир буржда ўн хамда икки ой колар.

Учинчиси Мирих – сохибэхтиром,

Кўригай кай томон килса гар хиром.

Куёш тўртинчиси – мунаввар чирок,

Нури билан равшан якину йирок.

Бешинчи сайёра Зухалдир - Савит,

Севиб назар солса, сен ўзинг овут.

Уторуд сарбаланд тилак-орзулар,

Нега ёвук келса, ўзини улар.

Булардан энг пастда Ой - Ялчик юрар,

Офтобга юзланса, бас, тўлиб турар.

Ўн икки бу Буржнинг ўзга сирлари,

Бири жуфт хонали, ток кай бирлари.

Хамал бахоргию сўнгра Савр келар,

Жавзою Саратон ёндошиб юрар.

Жасур Асадга-чи кўшни Сунбула,

Кейин Мезон, Чаён, кайсар Кавс улар.

Яна келар Жадий, Далву хам Балик [\[1\]](#),

Улар лутфи билан ёришар борлик.

Учи бахорию, учи ёзги, бил,

Кузу кишки ойлар - учта, фикр кил.

Учи ўт, учи сув, учи хаво-ел,

Учи хок – яралган очун-олам, эл.

Ганимдай бир-бирин йўлларин тўсган,

Ёгийга ёв бўлиб, қудратин кесган.

Коришмас ҳеч ёвлар қўлга бериб қўл,

Берар бир-бирига кенглик билан йўл.

Тангри ўзи суриб минг тана тошин,

Бириктирар яхши-ёмонлар бошин.

Башар мадхи - сўзим даромади бу,

Билим, аклу идрок каромати бу.

---

[\[1\]](#) Балик – Хут буржи.